Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 24 июль, № 144 (5564) Сешанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 июль куни Оқсаройда Жанубий Африка Республикасининг энергетика ва кимё бўйича "Сасол" компаниялар гуруҳи президенти Дэвид Констеблни қабул қилди.**





Учрашувда Қашқадарё вилоятида табиий газдан режалаштирилган номинал ишлаб чиқариш қуввати кунига 38 минг баррел (йилига 1,5 миллион тонна)ни ташкил этувчи "GTL" — синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилишининг бориши муҳокама қилинди. Лойиҳа "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси иштирокида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда ушбу лойиҳа ижроси доирасида "Сасол" компанияси билан ҳамкорлик юксак қадрланишини таъкидлади. Евроосиёда ягона бўлган мазкур заводда мамлакатимизнинг бой газ ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи энг замонавий инновацион технологиялар жорий этилади.

Президент Ислом Каримов "GTL" лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишни қўллаб-қувватлашини таъкидлаб, мазкур лойиҳанинг Ўзбекистон энергетика секторини ривожлантириш ва мамлакатимизни энг илғор технологияларни қўллаш борасидаги салоҳиятини намойиш қилишдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

"Сасол" компанияси раҳбари самимий қабул ва қўшма лойиҳани қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди. Дэвид Констебль "Сасол" компанияси портфелидаги энг асосий лойиҳалардан бўлган ушбу лойиҳани самарали амалга ошириш учун компания барча саъй-ҳаракатларини ишга солишини таъкидлади.

"Сасол" компанияси президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида мазкур лойиҳа брендининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди ва тадбирда қўшма корхона томонидан амалга оширилаётган лойиҳага "Oltin yo`l GTL" номи берилди. Шунингдек, завод майдонида ташқи инфраструктура объектлари қурилиши бошланишига бағишланган маросим ҳам бўлиб ўтди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## Сарҳисоб

*Пойтахтимизда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди.*

### Алоқа ва ахборотлаштириш масалалари муҳокамаси

Йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва улардан фойдаланиш устувор вазифа сифатида белгилангани таъкидланди. Ҳисобот даврида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар ўсиш кўрсаткичи 24,3 фоизни ташкил қилди. Бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,2 фоизга ошган.

Тўғридан-тўғри жалб қилинган хориж инвестициялари ва кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича ярим йиллик режа 139 фоизга бажарилди.

Бугунги кунда давлат ахборот ресурсларининг умумий сони 195 тага, тизимлари сони 98 тага етди. Айни пайтда жорий йилда ишга туширилиши белгиланган "Алоқа", "Касаба уюшмаси", "Маҳалла", "Кутубхона" каби комплекс ахборот тизимларини яратиш бўйича ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Йиғилишда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар таҳлил этилди. Маълум қилинишича, қишлоқ жойлардаги мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларини интернет тармоғида ишлаш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга ўргатиш бўйича ташкиллаштирилган ўқув жараёнининг биринчи босқичида жами 17 953 нафар йигит-қиз ўқитилди.

(Давоми 3-бетда).

# «OLTIN YO'L GTL» ТАҚДИМОТИ

*"Ўзэкспомарказ"да 23 июль куни мамлакатимизда синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқарадиган "Ўзбекистон GTL" қўшма корхонаси — "Oltin yo'l GTL" брендининг расмий тақдимотига бағишланган маросим бўлди.*

Анжуманда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Сасол" компанияси (Жанубий Африка Республикаси) вакиллари, хорижлик мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Нефть-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва хом ашё экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, айни пайтда уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар улушини ва турини кўпайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия самарасида мамлакатимизда илғор технологияларга асосланган нефть ва газ кимёси саноати шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Жанубий Африка Республикасининг "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқариладиган метан газидан синтетик суюқ ёнилғи (GTL) ишлаб чиқарадиган завод қуриш бўйича йирик қўшма лойиҳани амалга оширмоқда.

Маросимда "Сасол" компанияси президенти Дэвид Констебль Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қулай сармоявий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Нефть-газ саноатининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этаётганига юксак баҳо берди.

"Ўзэкспомарказ"даги тадбир иштирокчилари билан Қашқадарё вилоятида GTL заводи барпо этилиши белгиланган майдонда йиғилган Шўртан газ-кимё мажмуаси ва "Ўзбекистон GTL" қўшма корхонаси раҳбарлари ҳамда мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри телекўприк ўрнатилди.

Завод иншоотларига пойдевор қўйиш маросими бошланиши эълон қилинади. Эсдалик капсуласи иншоот пойдеворига жойланади.

(Давоми 2-бетда).

# Юксалиш ва фаровонлик кафолати

*Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Президентимизнинг ўтган ҳафта матбуотда эълон қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Аслида, тадбиркорликнинг этагидан тутиб, янгилик яратиш, кимгадир наф келтиришга аҳд қилган кишиларга кўп нарса керак эмас. Уларга озгина эътибор, кўмак ёки туртки берилса борми, кўп ишларга қодир эканликларини амалда исботлашади. Юртимизда кичик бизнес иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни таъминловчи етакчи куч сифатида эъзозланаётгани, уларга енгилликлар яратиб берилаётганининг боиси ҳам шунда. Зеро, хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимизни модернизация қилишдаги улкан аҳамияти беқиёс.*

*Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тадбиркорлик соҳасига жорий қилинаётган янгиликлар, берилаётган имтиёзлар уларни янада янги марралар сари руҳлантираётир. Буни соҳа вакилларининг мана бу фикр-мулоҳазалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.*

## Муносабат

**Йўлдош ЭРНАЗАРОВ, Янгибозор туманидаги "Элинза" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:**

— Ростини айтсам, давлатимиз раҳбарининг фармонларини ўқиб, бошимиз кўкка етди. Негаки, ушбу ҳужжатлар юртимизда тадбиркорлик жадал ривожланишида катта бурилиш ясаб, биз, ишбилармонларга чин маънода қанот бағишлайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятларни санаб адоғига етиш қийин. Ваҳолонки, бундан ўн-ўн беш йил муқаддам, аниқроғи, 1998 йилда биз уч киши билан корхона ташкил қилганимизда, кўпчилик чинакам тадбиркор бўлишимизга ишонмаган эди. Сабаби, ўша пайтда фаолиятимизга сансалорликлар, керак-нокерак текширувлар халақит берарди. Юртбошимиз ўз вақтида бу каби иллатларнинг илдизини қирқиш мақсадида соҳага доир ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилди. Муҳими, бу ишнинг бошида Президентимизнинг ўзи тургани бизга катта куч-қудрат бахш этди. Натижада бундай юксак эътибор туфайли сафимиз кенгайиб, ютуқларимиз тобора кўпайиб бормоқда.

Албатта, тадбиркорликни бир киши билан ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун аҳил жамоа, замонавий техника ва фидойи меҳнат зарур. Ҳозир 28 киши меҳнат қилаётган корхонамизда 100 турдан ортиқ тиббиёт соҳасига мўлжалланган мебель жиҳозлари, юмшоқ мебеллар, спорт инвентарлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган даврда ўнлаб коллежлар, мактаблар, шифохоналар биз тайёрлаган мебеллар билан жиҳозланганидан фахрланамиз. Айни пайтда замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизни Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларидаги мижозларимиз ҳам харид қилишаяпти. Хусусан, жорий йилда республикамиздаги 6 та туман тиббиёт бирлашмасига уларни етказиб бердик.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2012 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга доир кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш, иқтисодиётнинг барча жабҳаларини мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, 2012 йилда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2012 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,1 фоизга ошди. Иқтисодий ўсиш мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш орқали таъминланди. Бунда инфляция даражаси паст кўрсаткич — 3,4 фоизни, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ва мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил қилди.

**Саноатни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши** саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоизга оширишни таъминлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник янгилаш жараёнларини жадаллаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 7,1 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 7,7 фоиз, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни 25,7 фоиз, чакана савдо айланмасини 12,5 фоиз, хизматлар кўрсатишни 14 фоиз, жумладан, пуллик хизматларни 16,2 фоизга оширишни таъминлади.

Хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш, жумладан, хорижий инвесторларга қўшимча равишда тақдим этилган имтиёз ва преференциялар инвестициялар ҳажмини 7,6 фоиз ва қурилиш-пудрат ишларини 8,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

***2012 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари***

(2011 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 108,1 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 107,0 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 107,7 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 107,1 |
| Қурилиш ишлари | 108,6 |
| Чакана савдо айланмаси | 112,5 |
| Пуллик хизматлар | 116,2 |

## II. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгаришлар жараёнларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш

2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини сўзсиз бажаришни ташкил этиш мақсадида ҳисобот даврида, жумладан, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини қисқартириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтиришда корхоналарни рағбатлантириш ҳисобидан иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

**2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқларда таркибий ўзгаришлар жараёнлари янада чуқурлаштирилди. Ҳисобот даврида енгил саноат (ўсиш суръатлари 2011 йилнинг шу даврига қараганда 112,9 фоизни ташкил қилди), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати (108,3 фоиз), озиқ-овқат саноати (108 фоиз), қурилиш материаллари саноати (106,5 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (105,2 фоиз) каби тармоқларда жадал ривожланиш кузатилди.**

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш борасида бажарилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи ярмида **енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, автомобиль ойналари, кондиционерлар, электр дазмоллар, энергия тежайдиган лампалар, пўлат ва пўлат қувурлар, тайёр прокат, минерал ўғитлар, олтингугурт кислотаси, целлюлоза, қуруқ қурилиш аралашмалари, ламинацияланган плиталар, доривор воситалар ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтириш имконини берди**. Ҳисобот даврида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда, қиймати 190 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энергия ресурсларини тежаш, технологик жараёнлар, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш ишларини амалга ошириш ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобидан йирик корхоналарда маҳсулот таннархини 11,1 фоизга камайтириш ҳам саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 3892,3 миллиард сўмлик ёки 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 25,7 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ички ёниш двигателлари, намга чидамли, сигналли-блокировка кабеллари, 6 метр кенгликни қамраб оладиган ер текислагичлар, кристалл роданит натрий, ГРАТ 700 насоси, пайвандлаш флюси, ҳаво ҳароратини бир хилда сақлайдиган мосламаларга эга йўловчи ташиш вагонлари, DSLAM телекоммуникация ускуналари ва ADSL модемлари каби 170 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 2,1 миллиард долларни ташкил қилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида экспорт улуши 24,7 фоиздан 25,3 фоизгача кўпайди.

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастурининг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 7,7 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,3 фоизга ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,4 фоизга ошди.

Пайпоқлар, чарм буюмлар, гилам ва гилам буюмлари, сирланган идишлар, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, сариёғ, кичик ёшдаги болалар учун қуруқ сут аралашмалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Янги турдаги кир ювиш машиналари, микротўлқинли печлар, газ плиталари ва чангюткичлар, 32 номдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг биринчи ярмида Lan-кабеллар, энергия тежайдиган лампалар, юк автомобиллари, автомобиллар учун жиҳозлар, болалар велосипедлари ва ўйинчоқлари, болалар спорт кийимлари, эркаклар костюмлари, устки кийимлар, сопол плиткалар, сирка ацетальдегиди, унифлок, азот-фосфор-калийли ўғитлари, ўралган сетка ва бошқа янги турдаги товарлар экспорт қилинди.

2012 йилнинг биринчи ярмида биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида умумий обoрот ҳажми 8,8 фоизга ўсди. Биржа савдоларида ёнишдан ҳосил бўлган мазут, техник олтингугурт, металл рух, минерал ўғитлар, полиэтилен сотиш ҳажми анча кўпайди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар ҳажми умумий биржа айланмаси ҳажмининг 53,5 фоизини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредит ажратиш ҳажмини кўпайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва рағбатларни тақдим этиш эвазига ушбу соҳани ривожлантиришни рағбатлантиришга оид кўрилган чора-тадбирлар хизматлар кўрсатиш ҳажмини 14 фоизга, жумладан, пуллик хизматлар кўрсатишни 16,2 фоизга ошириш имконини берди. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда хизматлар улуши 2011 йилнинг биринчи ярмидаги 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш (2011 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 26,9 фоиз), сайёҳлик (22,8 фоиз), маиший (22,6 фоиз) ва молия хизматлари (16 фоиз) ривожланди.

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш доирасида банк тизимининг жами капитали 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоизга, уларнинг жами активлари 30,3 фоизга, мижозларнинг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошди.

## III. Фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш жараёнларини жадаллаштириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 9979,6 миллиард сўмни ташкил қилди ва солиштирма нархларда 7,6 фоизга ошди. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2011 йилнинг шу даврига қараганда 1,3 баробар, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари ҳисобидан 1,5 баробар, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш жамғармаси кредитлари ҳисобидан 5,2 баробар, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,3 баробар ўсди.

Тижорат банклари ресурс базасининг кўпайиши иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш ҳажмини 1,3 баробар ошириш имконини берди. Бунда муддати бир йилдан ортиқ узоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажми ҳам 30,5 фоизга ошди. Ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва бу кўрсаткич 1,3 баробар ўсди.

**Юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар сарфлаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган 4434-сонли Фармони билан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш орқали, авваламбор, республика минтақаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.** Умуман, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди ва уларнинг 80 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 2012 йилнинг Инвестиция дастурига киритилган 46 лойиҳа, хусусан, "Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича янги комплексни ташкил этиш (II босқич — йиғиш корхонаси)", "Қалмақир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш", "Хизмат кўрсатилмайдиган кальцийли батареялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Радиаторлар, сунъий ҳаво ҳосил қилиш, шамоллатиш ва иситиш тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш", "Технологик жиҳозлар, штамплар ва қуйма шакллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Автомобиль бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Осборн Текстиль" хорижий корхонасида йигирув ишлаб чиқаришини ташкил этиш", "Бухоро энерго текстиль" масъулияти чекланган жамиятини модернизация қилиш", "Навоий шаҳри аэропортидаги йўловчи терминалини реконструкция қилиш", "Қуйи-Мозор" 220 кВли кичик станцияни реконструкция қилиш", "220 кВ юқори вольтли линияга эга "Иштихон" 220 кВли кичик станция ҳамда 110 кВ юқори вольтли линияга эга 110 кВли "Кон-руда" кичик станциясини қуриш" ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш ниҳоясига етказилди.

Умуман, республика бўйича 2012 йилнинг биринчи ярмида енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, ёғочни қайта ишлаш саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, машинасозлик саноатида ва бошқа соҳаларда жами 530 дан ортиқ ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати 25,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "УзИраеКейбл" қўшма корхонаси негизида аккумулятор ўтказгичларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш ишлари якунланди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Хусусан, ушбу соҳа субъектларига лизинг асосида 546 та қишлоқ хўжалик техникаси, шу жумладан, "TL-100", "Arion-630C", "TS-135" маркали тракторлар, транспорт ва шудгорлаш тракторлари, "Доминатор-130" ғалла ўриш комбайнлари етказиб берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида умумий узунлиги 7,4 минг километрлик хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги коллектор-дренаж тармоғи, шунингдек, 8 мелиорация насос станцияси, 391 суғориш қудуқлари тикланди, узунлиги 434,5 километрлик коллекторлар, 81 вертикал дренаж қудуқлари ва 8,39 километрлик ёпиқ коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта тиклаш ишлари якунланди.

7,6 минг гектарлик майдонда янги боғлар, шу жумладан, 2,6 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар майдонда токзорлар барпо этилди, 8,5 минг гектар майдонда боғлар ва 6 минг гектар майдонда токзорлар қайта тикланди. Шахсий томорқа хўжаликларининг 266,8 гектарлик майдонида 9456 та иссиқхона ташкил қилинди. Ҳисобот даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 6,3 минг тонна сиғимга эга 22 та янги совитиш камераси ишга туширилди ҳамда 2 минг тонна сиғимга эга 3 та совитиш камераси қайта тикланди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 1917,2 минг тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,5 фоиз), 983,8 минг тонна картошка (112,5 фоиз), 120,9 минг тонна полиз экинлари (112,2 фоиз), 642,8 минг тонна мева (110,4 фоиз), 17,6 минг тонна узум (112,5 фоиз) етиштирилди. Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳажми ҳам 11,7 фоиз, шу жумладан, сабзавотларни қайта ишлаш — 14,4 фоизга, меваларни қайта ишлаш 7,7 фоизга ортди.

Ҳисобот даврида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 11,8 минг бош қорамол парвариш қилиш бўйича 406 чорвачилик, 2 миллион товуқ парвариш қилиш бўйича 336 паррандачилик, 333 асаларичилик, 359 балиқчилик хўжаликлари, улардан 342 таси сунъий ҳавзаларда ташкил этилди. Тижорат банклари шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун қиймати 38,6 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди.

Натижада қорамоллар умумий сони 6,3 фоизга кўпайди ҳамда 9783,3 минг бошга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан гўшт ва сут етиштириш ҳажми 7 фоиз ортди, 1936,2 миллион дона тухум (16,8 фоиз кўп) етиштирилди.

## IV. Инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш

Шу йилнинг биринчи ярмида 2012 йилнинг Инвестиция дастурига киритилган йўл қурилиши объектлари бўйича 153,3 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди, шундан 126,3 километр автомобиль йўлига асфальт-бетон қопламасини ётқизиш ва 27 километрида икки полосали цемент-бетон йўл қуриш ишлари амалга оширилди.

2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 115 километрлик темир йўл қайта қурилди, 225 та юк ва 10 та йўловчи ташувчи вагон тайёрланди, битта йўловчи локомотиви харид қилинди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан иккита янги "Боинг-767-300ER" самолётларини эксплуатация қилиш бошланди. Навоий шаҳри аэропортида йўловчилар терминалини реконструкция қилиш доирасида умумқурилиш ишлари ва ички муҳандислик тармоқларини ётқизиш ишлари якунланди. "Ангрен" логистика маркази" ЁАЖнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича амалга оширилган чоралар "Қамчиқ" довони орқали юк ташиш ҳажмини 1,3 баробар ошириш имконини берди.

Натижада шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига қараганда темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш айланмаси тегишли равишда 4,1 ва 15,3 фоизга ошди. Йўловчиларни ҳаво транспортида ташиш ҳажми 17,6 фоизга, бир рейсда учадиган ўртача йўловчиларнинг сони 13 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш ишлари давом эттирилди, бунинг оқибатида умуман республика бўйлаб 980,9 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди, шундан 865 километри қишлоқ жойларига тўғри келади. 143 та қишлоқ аҳоли яшаш пунктида 158,3 километрлик сув таъминоти тизимлари тикланди.

Тураржой қурилиши учун хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида маҳаллий хом ашё ва компонентлардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 101 янги корхона ишга туширилди. Жумладан, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида 20 минг куб метр замонавий пенобетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятида 72 минг квадрат метр ламинат ва МДФ ишлаб чиқариш, Фарғона вилоятида 70 минг тонна цемент ишлаб чиқариш, 47,9 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари, пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 12 та корхона модернизация қилинди.

## V. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражадаги қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши шу йилнинг биринчи ярмида 13 мингта янги кичик бизнес субъектларининг (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда) яратилишига кўмаклашди.

Айни вақтда кичик бизнес субъектларининг аксарияти (64,6 фоизи) ишлаб чиқариш тармоқларида ташкил этилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 6,3 миллиард сўмлик 35 давлат активлари сотилди, 14 мингга яқин фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилди. Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп ҳажмда кредит ва микрокредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг бошидан кичик бизнес субъектларида амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 122,3 миллиард сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 92 фоизини ташкил этди. Давлат харидлари тизимида ўз маҳсулот ва хизматлари билан 132,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари иштирок этди.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортини кенгайтиришни рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1087,5 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоиз кўп товар ва хизматлар экспорт қилинди.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес улушининг ялпи ички маҳсулотда — 42,6 фоизгача (2011 йилнинг биринчи ярмидаги 42,2 фоиз ўрнига), саноатда — 21,2 фоизгача (18,6 фоиз), инвестициялар бўйича — 35,4 фоизгача (30,3 фоиз), қурилишда — 75,1 фоизгача (70 фоиз), экспортда — 15,2 фоизгача (13,5 фоиз), бандлик соҳасида — 74,7 фоизгача (74,1 фоиз) ошишида ўз ифодасини топди.

## VI. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини изчил ошириш

Иш ўринлари яратиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида республика бўйича 510,5 минг янги иш ўринлари яратилди. Шундан 345 мингдан ортиғи (67,6 фоизи) қишлоқ жойларда, жумладан, 62,7 мингтаси ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган 28 туманда ташкил этилди.

2011/2012 ўқув йилида коллежларни тамомлаган битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар доирасида 501,5 минг битирувчи "коллеж — корхона" тизими бўйича 92,9 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди, 97,3 минг битирувчи билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейинчалик аниқ корхона ва ташкилотларда ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида оилавий тадбиркорликни иқтисодиётнинг турли соҳаларида рағбатлантириш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва оилалар ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Оилавий корхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайдиган Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан 2012 — 2013 йилларда шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар посёлкаларида кўп хонадонли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури тасдиқланди.

Биринчи ярим йиллик давомида ёш оилаларга умумий қиймати 14 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилди. Умуман "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун шу йилнинг ўтган даврида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Аҳоли даромадларининг ўсишига якка тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларини пасайтириш, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасида нул разрядининг бекор қилиниши ҳамда республиканинг барча ташкилотларида биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлашнинг белгиланиши рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди. Натижада ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 19,4 фоиз ўсди ва бу аҳоли умумий даромадларининг I ярим йилликда 26,1 фоиз ўсишини таъминлаш имконини берди.

2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларининг изчил, аниқ мақсадли амалга оширилиши, шунингдек, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳодисаларнинг оқибатларини юмшатиш ва таъсирини бартараф қилиш бўйича тезкор чора-тадбирларнинг қабул қилиниши 2012 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Ислоҳотлар миқёсини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш, максимал даражадаги қулай ишбилармонлик ва сармоявий муҳитни яратишга қаратилган иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада юксалтириш, мамлакатимиз аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини 2012 йилда барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир асосий вазифалар ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.**

---

# «OLTIN YO'L GTL» ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳани амалга ошираётган "Ўзбекистон GTL" қўшма корхонасининг бу жараённи лойиҳалаш, муҳандислик ва қурилиш ишлари, техник хизмат кўрсатиш, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро меъёрлар ва стандартлар талабларига мос тарзда амалга ошириши белгиланган. Мазкур заводнинг ишга туширилиши табиий газни чуқур қайта ишлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ёнилғи сифатини яхшилаш имконини беради.

Ушбу лойиҳа мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, соҳада профессионал кадрларнинг сифат жиҳатдан янги авлоди шаклланишига хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

---

# Юксалиш ва фаровонлик кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида рухсат беришга оид тартиб-таомилнинг 80 таси, шунингдек, лизензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини жорий йилнинг биринчи августидан бекор қилиш белгилаб қўйилганига алоҳида тўхталиб ўтишни истардим.

Демак, келгусида хорижга чиқиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш ва янги технологиялар олиб келиш, фаолиятимизни янада кенгайтириш борасидаги мақсад-муддаоларимиз тўлиқ рўёбга чиқаверади.

**Нозимжон ҲУРБОЕВ, Кўрғонтепа туманидаги "Субҳидам камалаги" фирмаси раҳбари:**

— Президентимизнинг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан танишгач, унда келтирилган қуйидаги рақамлар эътиборимни тортди. Қаранг, бугунги кунга келиб, кичик бизнеснинг республикамиз ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 54 фоизга етибди. Ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар сони эса 2 баробар ошиб, бу кўрсаткич эндиликда жами иқтисодиёт тармоқларида банд аҳолининг 75 фоизидан кўпроғини ташкил этаётган экан.

Дарҳақиқат, юртимизда ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани боис ушбу соҳа тобора ривожланиб бормоқда. Айни пайтда бизнинг 5613 та оила истиқомат қилаётган "Дардоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ўзгаришлар бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, кейинги йилларда ҳудудимизда маиший ва сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар, тикувчилик ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган кўплаб тадбиркорлик субъектлари ишга туширилгани беш юзга яқин кишининг бандлигини таъминлади. Ҳозирги кунда эса улар томонидан кўрсатилаётган хизмат ёки тайёрланаётган маҳсулотларга ён-атрофдаги маҳаллаларда ҳам талаб юқорилиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Биз эса, мана, бир неча йилдирки, аҳолига сифатли қайта ишланган гўшт маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланиб келаяпмиз. Корхонамизни замонавий хориж технологиялари билан жиҳозлаганимиз, гўштни маҳалламиздаги чорвачилик хўжаликларидан харид қилаётганимиз туфайли иш унумдорлигини ошириб, тежамкорликка эришаяпмиз. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, яқинда касб-ҳунар коллежининг яна олти нафар битирувчисини ишга қабул қилдик. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашни таъминлайди.

**Мурод ТАНГРИБЕРГЕНОВ, Нукус шаҳридаги "Муродбек мебель" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Имкониятлар эшиги очиқ жойда, шубҳасиз, янги режалар, янги ниятлар туғилаверади. Биз ҳам юртимизда яратилган ана шундай қулайликлардан руҳланиб, бундан уч йил аввал уй жиҳозлари ва идора мебеллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Муродбек мебель" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйган эдик. Асосан, ёшлардан иборат жамоамиз ҳозир аҳоли буюртмасига мувофиқ, хорижникидан асло қолишмайдиган 9 турдаги кўркам маҳсулотни ишлаб чиқармоқда.

Президентимизнинг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса биз, тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Чунки ушбу Фармонга кўра, тижорат банклари томонидан экспорт-импорт шартномаларини қисқа фурсатда рўйхатга олиш, тадбиркорлик субъектлари учун банкда ҳисоб рақами очишда қулайликлар яратиш, айниқса, "бир ойна" тамойили бўйича хизмат кўрсатишни жадаллаштириш белгилангани мушкулимизни янада осонлаштиради. Қолаверса, тадбиркорнинг битта мурожаати асосида давлат хизматчилари тегишли идоралар билан ўзлари боғланиб, қисқа муддатда керакли ҳужжатларни беришлари айни дилимиздаги гап бўлди.

**Зафар ТУРДИАЛИЕВ, Қарши шаҳридаги "Фотоэкспресс" ишлаб чиқариш корхонаси директори:**

— Давлатимиз раҳбарининг беқиёс ғамхўрлиги ва алоҳида эътибори туфайли мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилаяпти. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир тасдиғидир.

Ушбу ҳаётий ҳужжатнинг аҳамиятини, унга мувофиқ жорий қилинаётган янгиликлардан кутилаётган самараларни соҳада кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар яхши англашади. Шу боис у барча ишбилармонлар томонидан қизғин ва манфаатдорлик билан кутиб олинди.

Сир эмас, тадбиркорлик фаолиятимизни бошлаш мақсадида лицензия ва бошқа ҳужжатларни олиш учун бир қатор назорат қилувчи органларнинг чиғириғидан ўтишимизга тўғри келган. Ҳатто айрим идоралар раҳбарларининг эшиги олдида соатлаб навбат кутганимиз ҳам ҳақиқат. Мана энди, буларнинг барига барҳам бериладиган бўлди. Негаки, Фармонда 2012 — 2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда, лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шаклларини жорий этиш аниқ белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда корхонамиз таъсисчилигидаги "Вилоят босмахонаси" масъулияти чекланган жамиятини модернизациялаш ишларини олиб бораяпмиз. Шу мақсадда Германиядан "Star-30" русумли офсет машинаси, 100 дан зиёд турдаги матбаачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуналарни келтириб ўрнатдик. Натижада ишчиларимиз сони қарийб 100 нафарга етказилди.

Фармон талабларининг изчил ижроси эса бизнес фаолиятимизни янада кенгайтириш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бундан-да оширишга кенг имкониятлар яратиб беришига ишончимиз комил.

# Ватанни мадҳ этиш – улуғ бахт

*Айни кунларда юртимизда Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” шиори остида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови ҳам шулар жумласидандир.*

## Танлов

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги қарори асосида ўтказиб келинаётган мазкур танловда бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она-диёримиз, унинг барқарор тараққиёти, ёрқин истиқболи қўшиқлар орқали тараннум этилади, юртимизда қарор топган мустаҳкам тинчлик, фаровонликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни юксалтиришга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги ўзига хос оҳангларда куйланади.

Кўрик-танловнинг республика ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўтказилган якуний босқичида шу жиҳатлар яна бир карра эътироф этилди. Тадбирда бундай санъат байрамлари ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш ҳамда мустаҳкамлаш, янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бинобарин, унда осойишталигимиз посбонлари ҳам фаол қатнашиб келишаётир.

Айтиш жоизки, “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг вазирлик тизимидаги ҳал қилувчи босқичида қуйи босқичларда ғолибликни қўлга киритган йигирмадан зиёд соҳа ходимлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Уларнинг иқтидори санъат, адабиёт ва маданият намояндаларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Унга кўра, ИИВ Ашула ва рақс ансамбли “Мустаҳкам оила” қўшиғи учун фахрли биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Нукус шаҳар ИИБ бўлинма командири, сафдор Арепбай Алланиязов, ИИВ Ашула ва рақс ансамбли хонандаси, сафдор Фарҳод Қамбаров эса иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Энди улар танловнинг республика босқичида ўз иқтидорларини синовдан ўтказадилар.

Тадбир сўнгида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**М. ҚОСИМОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлис давомида жорий йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг асосий вазифалари ҳам кенг муҳокама этилди. Жумладан: давлат ва хўжалик бошқа-

## Алоқа ва ахборотлаштириш масалалари муҳокамаси

руви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот тизимларини жорий этиш ва ишга тушириш, кенг полосали тармоқ орқали кўрсатиладиган телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ишларини жадаллаштириш, республикада рақамли телевидение қамровини кенгайтириш, рақамли телевидение фойдаланувчилари учун янги интерактив хизмат турларини жорий этиш каби масалалар йиғилиш иштирокчилари диққат-эътиборида бўлди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Элбек ДОЛИМОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

«SHO‘RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК
Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонаси ишга туширилди.

*Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлари ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилаб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.*

*Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.*






Полиэтилен қувурларига мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатлар берилган.

**Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.**

Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони.**

419R/156

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги корхоналари устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:**

| Т/р | Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан | Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «AZIA AYS» МЧЖдаги улуш. Музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тошкент ш., Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, Ширин к., 7-уй | 100% | 1% | 1 628 540 000 | 924 461,15 |
| 2. | «KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш | Тошкент вилояти, Янгийўл ш., Самарқанд к., 57-уй | 100% | 1% | 16 367 616 000 | 9 550 481,97 |
| 3. | «TOSHKENT QOG‘OZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш | Тошкент ш., Фарғона йўли к., 23-уй | 100% | 1% | 25 854 000 000 | 14 802 473,38 |
| 4. | «NUKUS AGRO» МЧЖдаги улуш. Томат паста ишлаб чиқариш | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ш., Саманбай қишлоғи | 100% | 1% | 2 061 396 000 | 1 204 754,98. |

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 29801000000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

***Оферта таклифларини қабул қилиш муддати — 2012 йил 24 август куни Тошкент вақти билан соат 18.00.***

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 27 август куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади.

Таклифларни очиш вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта ғолиби деб топилади.

***Тўловларни амалга ошириш тартиби***

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорида, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Факс: (8-371) 234-44-38.**

**WWW.NBU.COM**

1197R/655

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
**сервер ускуналари етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.**

Танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни (банк томонидан белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чоп этилган сананинг эртасидан бошлаб 7 тақвим куни мобайнида компания (фирманинг) улгуржи маҳсулот етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферта) қайси шаклда (почта ёки курьер орқали) жўнатилишидан қатъи назар, уларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган сананинг эртасидан бошлаб 30 тақвим куни ўтганидан сўнг соат 17.00 да тўхтатилади.

**Қуйидаги манзил бўйича ариза шакли ва танлов ҳужжатлари олинади, шунингдек, тижорат таклифлари (оферта) жўнатилади: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг бош маъмурий биноси.**

**Телефонлар: (8-371) 234-42-93, 234-42-95.**

**Мулоқот қилувчи шахслар — *Раҳимов Равшан Ҳамидович, Ҳамрақулова Гўзал Раҳматходжаевна.***

**www.nbu.com**

1195А/655

*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

**РАҚАМЛИ АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

*Тендер таклифлари 2012 йил 21 июлдан 2012 йил 21 август куни соат 18.00 гача қабул қилинади.*

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

**Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8 10 998) 231-33-43, 255-78-24. Факс: (8 10 998) 281-43-73 (74). E-mail: umts@mvd.uz**

1181А/868

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР



«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**КАРБИД Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

шунингдек:
Маҳсулот сертификатланган. Тўлов шакли турлича

КАФЕЛЬ
(девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМРАМОР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)

**Тел./Факс: 267-35-73**
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

694R/

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

«URUG-INVEST» ҚК

КЎСАК ҚУРТИГА қарши юқори самарали «ВИРИН ХСК» биологик воситасини таклиф қилади.

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, зараркунандаларнинг табиий кушандалари ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

Ушбу препарат ғўза, маккажўхори ва бошқа экин далаларидаги айнан кўсак қуртига қарши 7 — 10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва препарат қўлланилган далаларда 1 — 2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

**Батафсил маълумот учун: www.semena.uz, телефонлар: (8-371) 234-42-17, (+99890) 920-32-99, (+99890) 920-29-74, факс: (8-371) 234-62-45. Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 8-уй.**

1172R/873

Tsh 64-20438253-01: 2011
*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:*
ООО «TAYFUN PLASTIK»

ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ
«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

Ф/О — безналичный расчет

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*
КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах
для производства полипропиленовых мешков,
может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

291R/161

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси ультратовуш диагностикаси бўлими ходими Тамара Бегимқуловага ўғли

**Жаҳонгир УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Транспорт ва транспорт коммуникация бошқаруви факультети Логистика кафедраси катта ўқитувчиси Нафиса Арифжановага акаси

**Маҳмуджон АРИФЖАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри(Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ижобий натижаларнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси томонидан ҳам ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

# Таэквондочиларимиздан умид катта

— Спортчиларнинг тайёргарлик жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида махсус ўқув-йиғин машғулотлари режаси ишлаб чиқилган бўлиб, у босқичма-босқич амалиётга жорий этилаяпти, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Рашид Аҳмедов. — Масалан, ўтган йилнинг апрель ойида терма жамоамизнинг 13 нафар аъзоси Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида уюштирилган ўқув-йиғинда қатнашди. Бу ўз самарасини берди, албатта. Вакилларимиз ушбу мамлакатнинг Гёнгжу шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, мухлису мутахассислар эътиборини қозонишди. Кейинроқ Жанубий Кореянинг Гёнгжу шаҳри мезбонлик қилган навбатдаги жаҳон чемпионатида Акмал Эргашев кумуш медалга сазовор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея таэквондонинг ватани бўлгани учун ҳам ушбу мамлакатда тез-тез йирик халқаро мусобақалар уюштириб турилади. 2011 йилнинг июль ойида Чунчон шаҳри мезбонлик қилган ана шундай нуфузли турнирда Дмитрий Ким, Акмал Эргашев, Сарвар Шералиев, Никита Рафолович, Галина Хан, Наталья Маматова шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини банд этишди. Рустам Пўлатов, Султон Чоршанбиев ҳамда Абдумавлон Якубов кумуш, Евгения Каримова эса бронза медалини қўлга киритди.

Таэквондочиларимизни олдинда энг муҳим беллашувлар — XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи саралаш мусобақалари кутиб турганди. Айниқса, Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилиши белгиланган ана шундай баҳснинг аҳамияти ниҳоятда катта эди. Чунки унда ғолиб чиққан спортчи тўғридан-тўғри Лондон лицензиясига эга бўларди. Таэквондочиларимиз ушбу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, жиддий ҳозирлик кўришди. Қувонарлиси, улардан уч нафари — Акмал Эргашев (+80 кг.), Дмитрий Ким (-68 кг.) ҳамда Наталья Маматова (+67 кг.) Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

*— Албатта, ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига борадиган спортчиларимиз сафи кенгайгани барчамизни қувонтиради. Лекин энг масъулиятли палла, мана, энди бошланади. Шундай эмасми? Чунки Олимпиадада кучсиз рақибнинг ўзи бўлмайди. Айтинг-чи, лицензияга эга таэквондочиларимиз бошланажак беллашувларга қай йўсинда ҳозирлик кўришмоқда?*

— Дарҳақиқат, бундай катта спорт байрамларида совринли ўринлар учун кураш ўта кескин ва муросасиз кечади, рақобат кучли бўлади. Аммо шогирдларимиз ҳам истеъдод бобида ҳеч кимдан кам эмаслар. Буни улар ўқув-йиғин машғулотлари, қатор халқаро мусобақалар чоғида кўп бор исботлашган.

Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб бераяпти. Масалан, терма жамоамиз аъзолари жорий йилнинг январь — февраль ойларида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида навбатдаги ўқув машғулотларини ўтказишди. Апрель ва июнь ойларида эса Тошкент вилоятининг Янгиобод базасида тайёргарликни давом эттирдилар. Сўнгги босқич йиғини Жанубий Кореяда, хусусан, Сеул шаҳридаги Когаз спорт базасида бўлиб ўтди.

XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг таэквондо (WTF) баҳслари 8 — 11 август кунларига мўлжалланган. Насиб қилса, ана шу беллашувларда таэквондочиларимиз муносиб иштирок этиб, ўзларининг улкан зафарлари билан Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига ажойиб туҳфа ҳозирлайдилар.

**«Халқ сўзи» мухбири Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.**

# ҲАВАС, ҲАРАКАТ ВА МУВАФФАҚИЯТ

**Сузиш бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, қатор халқаро турнирлар ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақалар ғолиби пойтахтлик Юлдуз Қўчқорова — истеъдодли ёшларимиздан бири.**



У ушбу спорт турига меҳр қўйганида эндигина етти ёшда эди. Ана шу иштиёқини вақтида пайқаган отаси уни сузиш ҳавзасига етаклаб боради. Шу тариқа машғулотларга мунтазам қатнай бошлайди. Орадан кўп ўтмай, Юлдуз мураббий Павел Авраменко назарига тушади. Мураббий кўмагида маҳорати сайқалланиб бораётган қизалоқ саккиз ёшидан шаҳар миқёсидаги мусобақаларда иштирок этишга киришади. 2003 йилда эса Тошкент шаҳар биринчилигида ғолибликни қўлга киритади. Айнан шу муваффақият уни янги марралар сари янада руҳлантиради. Бунда, албатта, оиладаги соғлом турмуш тарзига бўлган муносабат ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки отаси ёшлигида спортнинг теннис, бобоси эса велоспорт турига қизиқиб, маълум бир вақт шуғулланишган. Аммо ўша пайтлардаги шарт-шароитлар кўнгилдагидек бўлмагани боис уларнинг бу хатти-ҳаракатлари шунчаки ҳаваслигича қолиб кетган. Шунинг учун ҳам ушалмаган орзулари рўёбини спортчи қизларида кўриш мақсадида яқинлари ҳар доим унга мадад бўлиб, астойдил қўллаб-қувватлашади.

Унинг иқтидори тез орада терма жамоа мураббийлари назарига тушди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қабул қилиниб, машғулотларда иштирок эта бошлади.

Юлдуз терма жамоа таркибида Австрия, Германия, Таиланд, Франция каби давлатларда ўтказилган мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Индонезия ва Японияда ташкил этилган Осиё чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритди. Шунингдек, Сингапурда ўсмирлар ўртасида уюштирилган Осиё ўйинларида бронза медали соҳибаси бўлди.

Унинг яна бир улкан муваффақияти шундаки, 100 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича 1983 йилда ўрнатилган мамлакат рекордини (1.05,58) янгилашга (1.04,87) ҳам эришди.

— Буларнинг барчаси юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, — дейди у.

Дарҳақиқат, Юлдуз ана шундай улкан меҳр оғушида маҳоратли спортчига айланди. Унинг учун энг масъулиятли дамлар, мана, энди бошланади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Гап шундаки, яқинда Халқаро сузиш федерацияси истеъдодли спортчимизнинг нуфузли мусобақаларда эришган муваффақиятларини эътиборга олиб, уни Олимпиада ўйинлари иштирокчилари қаторига киритганини маълум қилди.

> ...Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада ўйинлари минглаб ўғил-қизларимизнинг истеъдод ҳамда маҳоратини юзага чиқаришда катта аҳамият касб этмоқда. Юлдуз Қўчқорова ҳам 2006 йили Қарши, 2009 йили Гулистон шаҳарларида ўтказилган “Умид ниҳоллари”, шунингдек, 2011 йили Сурхондарё вилояти мезбонлик қилган “Баркамол авлод” спорт ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликка эришди.

Бу хушхабар нафақат Юлдузнинг оила аъзолари ҳамда мураббийларини, балки юртимиздаги барча спорт ихлосмандларини бирдек қувонтирди.

Шу кунларда маҳоратли спортчимиз “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуасида ана шу нуфузли мусобақага қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

— Олимпиада ўйинларида юрт шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун улкан бахт, — дейди Юлдуз Қўчқорова. — Бунга эришганимдан жуда ҳам хурсандман. Мақсадим, Лондонда ҳам ҳамюртларимиз ишончини оқлаб, юқори натижаларни қўлга киритиш.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА.**

# Спортнинг сирли олами



***27 июль куни Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланади. Ушбу спорт байрамини нафақат иштирокчилар, балки миллионлаб ишқибозлар ҳам катта қизиқиш ва сабрсизлик билан кутишмоқда. Чунки бундай тадбирларда янгидан-янги номлар кашф этилади, рекордлар ўрнатилади, беллашувлар одатдагидан кўра анча муросасиз кечади. Биз ҳам мусобақаларга старт берилганда унинг жараёни билан сиз, азизларни газетамиз орқали батафсил таништириб боришни ният қилганмиз. Ҳозирча эса, келинг, Олимпиадага оид айрим қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этсак.***



## «Тезроқ! Баландроқ! Кучлироқ!»

***Ҳар тўрт йилда бир маротаба янграйдиган сўзлар жорий йилда Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида ташкил этиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари давомида яна бутун дунёга таралади.***

Инсониятнинг бирдамлиги ҳамда ягона мақсад — тинчлик, тотувликни асраб-авайлашга даъват этадиган мазкур мусобақада бу сафар 200 дан зиёд давлатдан қарийб 12500 нафар спортчи иштирок этиши кутилмоқда.

Айтиш жоизки, бу галги ёзги Олимпиада баҳслари мустақил Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси баралла янграйдиган бешинчи турнир ҳисобланади. Чунки бунгача спортчиларимиз Атланта (1996 йил), Сидней (2000 йил), Афина (2004 йил) ҳамда Пекин (2008 йил) шаҳарлари мезбонлик қилган беллашувларда муваффақиятли иштирок этишган эди. Ана шу мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар томонидан 4 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медаллари қўлга киритилган.

**Олимпиаданинг беш ҳалқаси сайёрамиздаги беш қитъани ифодалайди. Хусусан, ундаги кўк ҳалқа — Европани, сариқ — Осиёни, қора — Африкани, яшил ҳамда қизил рангдагилари эса Австралия ва Америка қитъаларини билдиради.**

## Беш қитъанинг бирдамлиги белгиси

1920 йили Антверпенда бўлиб ўтган VII ёзги Олимпиадада илк маротаба намойиш қилинган мазкур байроқ 1913 йили замонавий Олимпиада ўйинларининг асосчиларидан бири, франциялик Пьер де Кубертен томонидан яратилган бўлиб, у халқларнинг бирдамлиги ҳамда спортнинг ҳар қандай низоларга қарши эканлигини ўзида акс эттириши керак эди. Бугунги кунга келиб, айтиш мумкинки, Олимпиада ўйинлари байроғида илгари сурилган ушбу эзгу ғоя амалда ўз инъикосини топмоқда.

## У нимани англатади?

Мусобақанинг тумор рамзи 2010 йилнинг 19 май куни оммага намойиш этилганди. У икки томчи пўлат шаклида бўлиб, Венлок ва Мандевиль, дея номланган. Туморнинг бундай аталиши бежиз эмас. Негаки, Мач-Венлок шаҳрида биринчи бор Олимпиадага ўхшаш ўйинлар ўтказилган бўлса, Сток-Мандевилда Буюк Британиядаги дастлабки Паралимпия ўйинлари уюштирилганди. Икки туморда ҳам биттадан кўз бўлиб, уларга велосипедчиларнинг дубулғаси кийдирилган ва Олимпиада рамзи акс эттирилган.





## Ғолибга каттакон медаль

**Медалларнинг диаметри 85 миллиметрга, қалинлиги эса 7 миллиметрга тенг. Уларнинг оғирлиги пробасига қараб 375 граммдан 400 граммгача.**

Эътиборли жиҳати, ушбу медаллар барча Олимпиада ўйинлари тарихидаги энг каттаси ҳисобланади. Улардан 2100 та зарб этилган. Медалнинг бир томонида Олимпиада ўйинлари эмблемаси акс эттирилган бўлса, иккинчи томонида ғалаба маъбудаси — Ника ва Темза дарёси тасвири акси туширилган. Медаллар муаллифи дизайнер Дэвид Уоткинсдир.

**Ишончимиз комилки, Лондонда вакилларимиз юқори натижаларга эришиб, Ўзбекистон номини янада улуғлашга муносиб ҳисса қўшадилар!**



## МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИ — ЛОНДОНДА

XXX ёзги Олимпиаданинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими спорт анжуманининг бош объекти — Олимпия стадионида ўтказилади. Шунингдек, мухлислар ушбу анжуманда енгил атлетика баҳсларига ҳам гувоҳ бўлишади. 80 минг томошабинга мўлжалланган бу ажойиб арена 2007 — 2011 йиллар мобайнида барпо этилган. Унинг қурилишига 486 миллион евро миқдорида маблағ сарфланган. Олимпиада ўйинлари ниҳоясига етгач, мазкур стадиондан Англиянинг “Вест Хэм Юнайтед” футбол клуби уй учрашувларини ўтказиш мақсадида фойдалана бошлайди.

Шунингдек, “Лондон — 2012” беллашувларини Олимпия хоккей маркази, Лондон велопарки, Сув маркази, Баскетбол, Гандбол, “О2”, Гринвич мажмуалари, Лондон кўргазмалар маркази, Гринвич парки, Қироллик артиллерия казармаси, Бутун Англия луан теннис ва крикет клуби, Лордс крикет граунд мажмуаси, “Уэмбли”, “Рижентс-парк”, “Хорс Гардс Пэрад”, “Гайд-парк”, “Хэмпден Парк”, “Миллениум” каби стадионлари, Броксбурн слалом эшкак эшиш маркази, Дорни Лейк, Уэймут ва Портленд елканли спорт миллий академияси каби объектларда ташкил этиш режалаштирилган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Биласизми?

***Антверпенда намойиш қилинган Олимпиада байроғи 1988 йили Сеул Олимпиадасида янгисига алмаштирилади. Пьер де Кубертен ғояси асосида яратилган дастлабки байроқ бугунги кунда Швейцариянинг Лозанно шаҳридаги Олимпия музейида сақланмоқда.***

Очилиш маросимида энг машҳур спортчи ҳамда энг обрўли ҳакамлардан бири барча иштирокчилар номидан қасамёд қабул қилади. Бу анъанага 1920 йилда асос солинган.

***1960 йили Римда ўтказилган XV ёзги Олимпиада ўйинларига қадар мусобақа ғолибларига аталган медаллар тасмасиз бўлиб, иштирокчининг қўлига бериларди.***

*Мусобақа ғолибига тинчлик тимсоли саналмиш зайтун новдасини тақдим этиш анъанаси 2004 йили Афинада ўтказилган XXVIII Олимпиада ўйинларида қайта тикланди.*

Олимпиада белгиларидан тижорат мақсадида фойдаланиш бутун дунёда қатъиян ман этилган.

Лондон шаҳри ёзги Олимпиада ўйинларини учинчи маротаба қабул қилаётган иккинчи шаҳардир. Бунга қадар мазкур шарафга Олимпиада ватани — Афина муносиб кўрилган эди.



***Жорий Олимпиада ўйинларида қарийб 12500 нафар спортчи 31 спорт тури бўйича тақдим қилинадиган 302 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб боради.***

## Олимпиада ҳангомалари

Найза улоқтириш бўйича мусобақада иштирок этаётган шогирдидан кўнгли тўлмаган мураббийга бошқаси далда бераяпти:

— Шогирдингиз унчалик ҳам уқувсиз эмас экан, қаранг, унинг шарофати билан бизнинг югурувчимиз маррага биринчи бўлиб етиб келди.

— Бу нима деганингиз?

— Агар у анави ямайкаликни аниқ мўлжалга олмаганида енгилишимиз аниқ эди-я...

* * *

Меҳмонхона администратори:

— Тушунсангиз-чи, бизда футболчилардан бошқалар учун бўш хоналар йўқ.

— Бу нима деганингиз?

— Чунки бу хоналардаги каравотлар ўрнига захира ўриндиқлари ўрнатилган...

* * *

Югуриш мусобақасида майдон четида ётган баҳайбат итнинг думини тасодифан босиб олган спортчи маррага биринчи бўлиб етиб келди.



**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5